O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 30-avgust • Seshanba • 111 (27.446) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## «Корея — Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси раиси Ким Юн Сикни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги фаол ва самарали хизматлари учун «Корея — Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси раиси Ким Юн Сик «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2005 йил 29 август

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ»

**Бандин Анатолий Федорович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кўчқоров Тоҳир Анварович** — Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети бошлиғининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙИ»

**Назаров Икром Усмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси ўқитувчиси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»

**Тошматов Валижон** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимидаислоҳотларни амалга оширишда фаол қатнашаётгани, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Мамо Владимир Адольфович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги корпус командирининг ўринбосари

**Наумов Виктор Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### I ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Чиналиев Зокирали Ниёзкулович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг отряд командири

### II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдураҳимов Ғанижон Муллажонович** (марҳум) — Андижон шаҳар прокурори

**Бобожонов Мурод Йўлдошбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон командири

**Боймирзаев Асқарали Ҳасанбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ғаффоров Ўткирбек Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Зоҳидов Шухратбек Ўткирович** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

**Қамчиев Салимберди Худойбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримов Отабек Иброҳимович** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримжонов Баҳодиржон** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кожевников Сергей Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мамаюсупов Рустам Иномович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон командири

**Носиров Нодирбек Болтабоевич** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси милиционер-кинологи

**Панфилов Александр Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Раҳмонов Улуғбек Равшанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сафаров Бахтиёр Шакарбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Товулдиев Аброрбек Анарбаевич** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари секцияси командири

**Тухсинов Иқбол Авазбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Усмонов Ёқуббек Анварович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Усмонов Содиқжон Солиевич** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳайитов Мухторжон Умаржонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хизматчиси

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Данильян Фрик Арамович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Терғов бош бошқармаси катта терговчиси

**Икромов Эргашвой Жумабоевич** — Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи

**Наримбетов Жиенбай Бекимбетович** — Хоразм вилояти Янгибозор туман прокурори

**Чжен Эдуард Самнамович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бўлим бошлиғи

**Шангареев Ильмир Фатихович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта тезкор вакили

**Шиманис Андрей Олегович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта инспектор-муҳандиси

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Аббосхўжаев Алихон Шорахон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг пост бошлиғи

**Абдужабборов Дилмурод Султонмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Абдуқаюмов Давронбек Ўктамович** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси милиционер-ҳайдовчиси

**Абдуллаев Қурбонали Мўйдинович** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси гуруҳ командири

**Абдулҳамидов Акромжон Фозилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон мутахассиси

— — — — — —

**(Давоми 2-бетда)**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига Ҳиндистон халқи ҳамда шахсан ўз номимдан самимий салом ва қутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Бизнинг анъанавий қалин ва дўстона муносабатларимиз кейинги йилларда анча мустаҳкамланиб, ҳар томонлама ривож топди. Биз Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз. Ишончим комилки, бизнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз халқларимизнинг ҳамжиҳатлиги янада мустаҳкамланишига ва равнақ топишига ёрдам беради, минтақадаги тинчлик ва барқарорликка кўмаклашади.

Юксак эҳтиром ила,

**Авул Пакир Жайнулабиддин Абдул ҚАЛАМ,**
**Ҳиндистон Республикаси Президенти**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига Ҳиндистон халқи ҳамда шахсан ўз номимдан самимий салом ва қутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар илдизи тарихга ва бизнинг муштарак маданий анъаналаримизга бориб тақалади. Сизнинг жорий йил Ҳиндистонга буюрган ташрифингиз кўп томонлама алоқаларимизга катта омил бағишлади. Шуни мамнуният билан қайд этаманки, бизнинг анъанавий қалин ва дўстона алоқаларимиз ўзаро манфаат йўлида доимо мустаҳкамланиб, ҳар томонлама ривожланиб бормоқда.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Манмохан СИНГХ,**
**Ҳиндистон Республикаси Бош вазири**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва Сиз орқали бутун дўст Ўзбекистон халқига Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан самимий қутловлар йўллаш шарафига муяссарман.

Ўзбекистон Республикаси халқи мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлигида ўз мамлакатининг реалликларига мос бўлган ривожланиш йўлидан оғишмай бориб, муҳим ютуқларга эришди. Биз бунга чин дилдан қувонмоқдамиз.

Шу йилнинг май ойида Сиз, Жаноби Олийлари томонидан Хитойга муваффақиятли ташриф амалга оширилди. Ташриф давомида биз биргаликда Шериклик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладик. Бу Шартнома катта тарихий аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни узоқ муддатли ривожлантириш учун мустаҳкам сиёсий ва ҳуқуқий пойдевор бўлди. Мен Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида мамлакатларимиз халқлари фаровонлиги йўлида турли соҳалардаги дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида бундан буён ҳам Сиз, Жаноби Олийлари билан яқиндан ҳамкорлик қилаверишга тайёрман.

Мамлакатингизга куч-қудрат, унинг халқига эса равнақ ва бахт-саодат тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар ва омонлик тилаб қоламан.

**Ху ЦЗИНЬТАО,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

1 сентябрда байрам қилинадиган мамлакатингиз Мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан Сизни ва Ўзбекистон халқини Америка халқи номидан муборакбод этаман. Ўзбекистон халқи ўзининг бой тарихи ҳамда диний бағрикенглик ва илмий билимлар анъаналари билан фахрланса арзийди. Биз терроризмга қарши урушда Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни қадрлаймиз ҳамда узоқ муддатли барқарорлик ва равнақ топишнинг тамал тошлари сифатида демократик ва бозор эркинликларини олға силжитиш ишида Ўзбекистон ҳукумати ва халқи билан ҳамкорликдан умидвормиз.

Аввалги ҳамкорлигимиз асосида биз келгусида халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантира олишимизга ишонч билдираман.

Самимият ила,

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимни йўллаш ҳамда Сизга чин дилдан бахт-саодат ва мамлакатингиз халқига равнақ тилаш менга ғоят катта қувонч бахш этади.

**АКИХИТО,**
**Япония Императори**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан самимий қутловлар йўллаш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ютуқларга эришилганини мамнуният ила қайд этар эканман, бундай муносабатлар келгусида ҳам фаровонлигимиз йўлида мустаҳкамланиб бораверишига қатъий ишонаман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва омадлар, шунингдек буюк мамлакатингизга равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

**Но Му ХЁН,**
**Корея Республикаси Президенти**








# «БАЙТЕКС ТИЖАРЕТ» ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ



## ИШГА ТУШИРИЛГАЧ, ПОЙТАХТЛИК 800 НАФАР ХОТИН-ҚИЗ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Истиқлол байрамининг 14 йиллиги арафасида пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги ёғочни қайта ишлаш комбинати ўрнида ташкил этилган мазкур корхона тўлиқ хорижий сармоядорлар маблағи ҳисобига бунёд этилди. Бунинг учун таъсисчилар — Туркиянинг «Ултош Энтегре текстиль» ва «Баха текстиль» компаниялари томонидан корхонанинг биринчи босқичи ишга туширилишига 21 миллион АҚШ долларига тенг сармоя киритилди.

Корхонага Германиянинг «Террот», «Брюкнер», «Тисс», «Италиянинг «Эм-Си-Эн» ҳамда Япониянинг «Джуки» фирмаларининг замонавий дастгоҳ ва компьютерлаштирилган ускуналари ўрнатилган бўлиб, у йилига 5,2 минг тонна хом маҳсулот, 15,5 минг тонна тайёр бўялган ва пардозланган трикотаж мато ҳамда 6 миллион дона трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона икки босқичда ишлайди. Ҳозир унинг ишга тушган биринчи босқичида саккиз юз нафар киши иш билан таъминланди. Тикувчилар шу ернинг ўзида махсус ўқув курси ва малака оширишдан ўтказилиб, ишга танлов асосида қабул қилинди. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосий қисми эса хорижга экспорт қилиниб, бугунги кунда корхонанинг экспорт салоҳияти 11 миллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

Йил охирига бориб корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, унинг экспорт ҳажми 26 миллион АҚШ долларига етиб, яна 700 киши иш билан таъминланади. Шунингдек, бу даврда янги ип-йигирув корхонаси ишга туширилиб, пахта толасини мукаммал қайта ишлайдиган, ундан тайёр трикотаж буюмлари тайёрлайдиган тугалланган циклдаги ишлаб чиқариш корхонаси майдонга келади.

Эндиликда бу ерда маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва халқаро андазалардаги экспортбоп, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу эса мамлакатимиз ички бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар кўпайиб, экспорт салоҳияти янада ошади ва пировардида иқтисодиётимизда валюта тушуми кўпаяди, деганидир.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

***Суратларда:*** *1) қадоқловчи Зилола Мақсудова; 2) корхона ишчиси Зухра Қорабоева; 3) цех назоратчиси Диёрахон Акбарова.*

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

# ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА «ИСЛОМ КАРИМОВ. АСАРЛАР ТЎПЛАМИ» МУЛЬТИМЕДИА ДИСКИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Матбуот ва ахборот агентлиги ёрдамида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг XII жилдлик асарлар тўплами мультимедиа вариантини яратди

Ислом Каримовнинг XII жилдлик асарлар тўпламида мустақил Ўзбекистон давлатининг қарор топиши ва тараққиёти босқичлари ёрқин акс эттирилган. Унда Ўзбекистон ижтимоий тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичида демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг стратегик вазифа ва йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

XXI аср Ўзбекистон аҳолиси учун қандай кечади, унинг турмуши қай даражада яхшиланади ва фаровонлашади? Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида бизни қандай муаммолар, қийинчилик ва синовлар кутаётганини, осойишта турмушимиз, тинчлик ва хавфсизлигимизга таҳдид солаётган хавф-хатарни етарлича аниқ англаяпмизми? Ушбу хавф-хатарларни қандай бартараф этишимиз мумкин, жамиятимизнинг барқарор ривожланиши, минтақада геосиёсий мувозанатни сақлаб қолиш ҳамда глобал хавфсизликни таъминлаш учун қандай кафолатлар мавжуд?

XXI асрда янада барқарор ривожланиш учун Ўзбекистон қандай салоҳият ва имкониятларга эга? Иқтисодий сиёсатда, жамиятни янгилаш ва тараққий топтиришда қандай устувор йўналишлар мавжуд? Жаҳондаги давлатлар билан кенг ва ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун қандай шарт-шароитларни таклиф эта оламиз?

Айнан шу мавзулар ва давримизнинг бошқа кўплаб долзарб масалалари Ислом Каримов асарларида чуқур таҳлил этилган ва уларни амалий ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилган.

Давлатимиз раҳбарининг XII жилдлик асарлар тўплами мультимедиа вариантига унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузаси, 2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан қилган баёноти ҳамда матбуот конференцияларида мухбирларнинг саволларига берган жавоблари ҳам киритилган.

— — — — — —

**(Давоми 2-бетда)**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Абдурашитов Ринат Маратович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта тезкор вакили

**Абдуюсупов Мурод Абдураҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Азизхўжаев Хуршидхўжа Талъатхонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта инспектори

**Азимов Равшан Ғаффорович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон командири

**Отабеков Анваржон Машраббоевич** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон мутахассиси

**Баҳодиров Муҳаммадносир Маматшокирович** (марҳум) — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг қўриқлаш бўлими милиционери

**Бегежанов Нурлан Ботирбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бозоров Зоҳиджон Умаралиевич** — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

**Валиев Анваржон Ҳамиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Ваҳобов Абдурауф Ҳожиакбарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Волков Алексей Евгеньевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг катта назоратчиси

**Ғафуров Фарҳод Файзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Давронов Набижон Расулович** (марҳум) — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг инспектори

**Жўрабоев Анваржон Аҳмаджонович** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори

**Жўраев Рустамжон Мухторжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мергани

**Дўстонов Илҳомжон Абдуманнопович** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг сапёри

**Жалилов Нодиржон Азаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мергани

**Жалолов Ҳалимжон Сотволдиевич** (марҳум) — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг милиционери

**Жумабоев Музаффар Шокирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг ҳайдовчиси

**Қамчиев Эгамберди** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори

**Каримов Акбар Абдусамиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг разведка бошлиғи

**Қаюмов Оллоёр Абдуқодирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Кидиргичев Мерлан Садатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон наводчиги

**Қосимов Баҳодиржон Давронович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мергани

**Мавлютов Радислав Камильевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командирининг биринчи ўринбосари

**Мадиёров Бахтиёр Абдуолимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальон штаби бошлиғининг ўринбосари

**Мадраимов Ойбек Маматжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

**Мадраҳимов Иқболжон Иброҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ сапёри

**Мамасидиқов Зоҳиджон Тўлқинович** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг ходими

**Маматов Аъзамжон Қамбарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ пулемётчиси

**Манглиев Соҳибжон Султонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги базасининг хизмат бошлиғи

**Маннопов Тоҳиржон Абдунабиевич** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори

**Маҳмудов Санжарбек Ҳамзаевич** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг тезкор вакили

**Мирзаев Санжар Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмат чегара қўшинларининг муддатли хизмати ҳарбий хизматчиси

**Мўминов Ғайрат Эргашевич** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Андижон вилояти Мудофаа ишлари бошқармасининг бўлинмаси бошлиғи

**Назаров Улуғбек Маҳмудович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ пулемётчиси

**Насриддинов Абдижалил Сотволдиевич** — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги давлат фельдегерлик хизматининг Андижон шаҳар бўлинмаси катта зобити

**Насриддинов Дилшод Абдулажонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон командири

**Нодиров Қаҳрамон Абдусатторович** — Андижон вилоят прокуратурасининг катта терговчиси

**Нормаҳамматов Ҳамид Шамсиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод командирининг ўринбосари

**Остонақулов Муродали Алламуродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари йўриқчиси

**Равшанов Акмал Миржамилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

**Ражабов Анвар Ҳакимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

**Раззоқов Каримжон Абдурасулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мергани

**Раҳмонов Бахтиёржон Фозилович** — Андижон вилоят ички ишлар бошқармасининг ходими

**Раҳмонов Муҳиддин Қодирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Раҳмонов Сайфулла Бухорович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Раҳмонбердиев Фарҳоджон Акрамжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

**Раҳмонов Адҳам Нўъмонжонович** (марҳум) — Андижон шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи

**Рўзиохунов Раҳимжон Турсунович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рустамов Музаффаржон Турсунбоевич** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

**Рўзиев Давронбек Улуғбекович** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг милиционер-ҳайдовчиси

**Сайбердиев Дилшод Раззоқбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

**Салаев Музаффар Мўйиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ ҳайдовчиси

**Собиров Холмуҳаммад Қобулович** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ ҳайдовчиси

**Содиқов Абдуллажон Абдужабборович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сувонов Ўктам Ҳайдарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Султонов Аслонбек Рўзалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бригада командири

**Султонхўжаев Нозим Олимхўжаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мергани

**Тожибоев Авазбек Турсунбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тожибоев Жоҳонгир Азимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири ўринбосари

**Топиболдиев Эгамберди Абдурасулович** — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг катта терговчиси

**Тошматов Ихтиёржон Равшанбекович** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг отряд командири ўринбосари

**Тошхўжаев Икром Ҳамидуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хизматчиси

**Темиров Абдумажид Иброҳимович** — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги давлат фельдегерлик хизматининг Андижон шаҳар бўлинмаси бошлиғи

**Тешабоев Шухрат Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тожибоев Алимардон Қурбоналиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хизматчиси

**Толипов Дилшод Абдужабборович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон командири ўринбосари

**Тоҳиров Абдусамат Абдуғуломович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тўраева Раъно Расуловна** — Андижон вилояти божхона бошқармасининг катта тезкор вакили

**Турғунов Илҳомжон Зокирович** (марҳум) — Андижон вилоят ички ишлар бошқармасининг ходими

**Турғунов Сардор Каримжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг гуруҳ командири

**Фармонов Ботир Давлатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Ҳайдаров Ҳамзабек Юнусалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод мутахассиси

**Ҳакимов Маъруфжон Норматович** (марҳум) — Андижон вилоят ички ишлар бошқармасининг ходими

**Ҳамидов Собиржон Сидиқович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод мергани

**Ҳасанов Эркинбек Қобилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳошимов Машъал Одилович** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори

**Худоёров Равшан Турғунович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон йўриқчиси

**Хўжамов Муҳаммадносир Зулунович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шобурҳонов Қодиржон Исахўжаевич** (марҳум) — Андижон вилояти Хўжаобод тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

**Шукуров Ҳасанбой Набиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эгамов Мурoджон Асқаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эргашев Алишер Усмонжонович** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг катта инспектори

**Эргашев Жасурбек Аҳмадуллаевич** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг милиционер-кинологи

**Йўлдошев Умиджон Жабборович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг чегара пости техниги

**Ҳамроқулов Улуғбек Турғунович** (марҳум) — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг қўриқлаш бўлими милиционери

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдураҳимов Комилжон Абдуҳалимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг алоқа устахонаси бошлиғи

**Аҳмедов Машраб Маҳмудович** — Қашқадарё вилояти божхона бошқармасининг пост бошлиғи

**Баймуратов Жолмурза Жанабаевич** — Нукус шаҳар давлат солиқ инспекцияси бўлими бошлиғи

**Баклашова Татьяна** — Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг суд мажлиси котибаси

**Баракаев Нодиржон Номозович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири ўринбосари

**Бекбўтаев Муҳаммадумар Муҳаммадсидиқович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг полигон бошлиғи

**Бурковникова Наталья Борисовна** — Самарқанд вилояти давлат солиқ бошқармасининг бош инспектори

**Бўтабоева Салима Имаралиевна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг тиббиёт пункти санитар-йўриқчиси

**Воробьев Павел Вячеславович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ғозибоев Отабек Улуғбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальонининг гуруҳ командири

**Генжебаева Набира Қалбаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири

**Есжанов Алтинбек Алибекович** — Навоий вилояти Томди тумани суд ижрочилар бўлинмасининг катта суд ижрочиси

**Ибодов Бахтиёр Кенжаевич** — Сурхондарё вилоят прокуратурасининг бўлими бошлиғи

**Эгамов Ғайрат Раҳмонович** — Қашқадарё вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари

**Қаюмов Анвар Аҳматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Миносян Аркадий Гургенович** — Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказининг лаборатория мудири

**Очилов Азиз Шермуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон ўқчиси

**Пирматов Икромжон Илҳомович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Пустарнаков Евгений Витальевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Раҳимов Абдурасулжон Собиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қутқарув гуруҳи командири

**Ризаев Жасур Аслонқулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод гранатомётчи-наводкачиси

**Собиров Исломжон Адҳамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон хизмати бошлиғи

**Сафаров Темир Абдуллаевич** — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Сирожиддинов Оловуддин Шамшиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Сулаймонхўжаев Иззатулла Файзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлинмаси бошлиғи

**Темиров Нодиржон Шодижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ сапёри

**Тоштемиров Иқболжон Хусанович** — Фарғона вилояти божхона бошқармасининг пост бошлиғи

**Ўроқов Бахром Жумаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Цой Эдуард Алексеевич** — Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг биринчи ўринбосари

**Чориев Отабек Бобомуродович** — Тошкент вилояти божхона бошқармасининг катта тезкор вакили

**Янгибоев Норкувват Кулназарович** — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2005 йил 22 август

(Давоми. Боши 1-бетда)

# ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА «ИСЛОМ КАРИМОВ. АСАРЛАР ТЎПЛАМИ» МУЛЬТИМЕДИА ДИСКИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологияси даврига қадам қўйди. Мамлакатда глобал рақамли технологиялар, энг замонавий ахборот хизмати турлари, хусусан, юқори сифатли графикали, овозли ва визуал ахборот бериш воситаси бўлмиш мультимедиа технологияси кенг қўлланилмоқда. Ўзбек ва рус тилларида давлатимиз раҳбарининг XII жилдлик асарлар тўплами мультимедиа вариантининг яратилиши мазкур асарларни янги ва юқори технологик электрон воситалар орқали ўрганиш имконини беради.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни қайд этиш жоизки, ушбу мультимедиа дискига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлат мадҳияси, Президентнинг таржимаи ҳоли ва Конституцияда белгиланган мақомига доир маълумотлар, XII жилдлик асарларнинг 8000 саҳифага яқин матни ҳамда давлат раҳбари фаолиятига оид 700 дан зиёд фотосуратлар, юзга яқин аудио ва видеоматериаллар киритилган.

«ИСЛОМ КАРИМОВ. АСАРЛАР ТЎПЛАМИ» CD-дискини яратишда Ўзбекистон Президенти Матбуот хизматининг интернет-сайти (www.press-service.uz) ахборот ресурсларидан, Матбуот хизматининг архив суратлари, аудио ва видеоматериалларидан, шунингдек, миллий мумтоз куйларимиз ва жаҳон классик бастакорлари асарларидан фойдаланилган.

(ЎзА)

**ЎзХДП: депутат ва ҳаёт**

# САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Шарбат Абдуллаева 29-Пайкент сайлов округи сайловчилари ҳамда партиямиз фаоллари билан учрашди. Туман марказидаги саноат-қурилиш касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган жонли мулоқотда Ш.Абдуллаева тўпланганлар эътиборини Андижон воқеаларига қаратаркан, улуғ неъмат — Мустақилликни янада мустаҳкамлаш, асраш учун ҳамиша сергак ва огоҳ бўлиш даркорлигини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Олий Мажлис депутати Қонунчилик палатасида амалга оширилаётган ишлар, қонун ижодкорлиги, ХДП фракцияси фаолияти хусусида ҳам сайловчиларга гапириб берди. ЎзХДП мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти эканлиги, унинг янги ҳаракат дастури мақсад-моҳияти хусусида ҳам фикрлар билдирилди. Учрашувда туман ҳокими ўринбосарлари Норбой Очилов, Гулчеҳра Бурхонова, туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Норқул Ҳайитов, «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анвар Ҳасанов, туман партия кенгаши раиси Файзулла Бебутов, коллеж директори Мардон Олтиев ва бошқалар сўз олиб, бу борада ўз таклиф-истаклари, фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мулоқотдан сўнг Шарбат Абдуллаева мазкур округ ҳудудига кирувчи Охунбобоев номли ширкат хўжалигидаги Дарғабоғи фуқаролар йиғинида ўтказилган байрам тадбирида иштирок этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**ЎзХДП ҳабари**

# ОЛИС ОВУЛДА ШОДИЁНА

Бухорода ҳам истиқлол байрами шодиёналари бошлаб юборилди. Ғиждувон туман марказидан анча олисда жойлашган кончилар шаҳарчаси — Зафаробод, қоракўлчилар қўрғони — Кўкчада ўтказилган байрам тадбирларида юзлаб юртдошларимиз иштирок этдилар. Театрлаштирилган томоша, карнай-сурнай садолари мустақиллигимизнинг 14 йиллиги шодиёналаридан дарак бериб турар эди.

ЎзХДП Ғиждувон туман кенгаши ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу байрам тадбирида туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутат, «Маҳалла» жамғармаси туман кенгаши раиси Аминжон Асроров, ЎзХДП туман кенгаши раиси Баҳодир Истамов, туман ҳокими ўринбосари Роҳила Шамсиевалар йиғилганларни энг улуғ, энг азиз байрам билан қутладилар. Мамлакатимиз ўз миллий мустақиллигини осонликча қўлга киритмагани, Озодлигимиз ҳар биримизнинг тақдиримизда катта аҳамиятга эгалиги ҳақида гапирдилар.

Худди ана шундай тадбир ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши томонидан шаҳарнинг Отбозор маҳалласида ҳам ўтказилди.

Байрам баҳона ногирон ҳамда кам таъминланган оила фарзандларига совға-саломлар топширилди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг Регистони узра шарқ тароналари янграйди. Ҳозирга қадар Корея, Миср, Ҳиндистон, Таиланд, Қозоғистон, Германиядан келган санъаткорлар «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танловида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Бундан ташқари Япония, Покистон, Индонезия, Иордания каби қатор давлатлар ижрочиларининг чиқишлари давом этмоқда.

# ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

## ХОРИЖЛИК МЕҲМОНЛАРНИНГ ФЕСТИВАЛЬ, САМАРҚАНД ВА ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

**Фестиваль иштирокчиларининг ҳар бир дақиқаси танишув, ўзаро мулоқотлар билан кечмоқда. Меҳмонлар анжуман давомида тадбиркорлар, зиёлилар, соҳибкорлар билан учрашувларда вилоятда олиб борилаётган ишлар ҳақида кенг маълумотларга эга бўлмоқдалар. Самарқанднинг Ургут, Тойлоқ туманларидаги тантаналар кўпчиликнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди:**

**Аягмур ГУНАЛИ, Туркия:**

— Мен ҳам, турмуш ўртоғим ҳам Шарқ маданиятига жуда қизиқамиз. Фестивалда янграётган турли миллат мусиқалари авваламбор курраи заминимизда тинчлик-хотиржамлик, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган умиддаман.

Ўзбекистонда илгари ҳам бўлганман. «Шарқ тароналари»да эса илк бор қатнашишим. Гўзал Самарқандингиз, унинг фозил аҳли менда ажойиб таассурот қолдирди.

**Шазия ХУШК, Покистон:**

— Фестивалга келаётганимда, ўзбекистонлик санъат шинавандалари қўшиқларимни қандай кутиб олишаркин, деган ўй менга сира тинчлик бермаганди. Ахир, бу ўлкада классик ва замонавий санъат юксак даражада тараққий этган, одамлар эса уни чуқур идрок этишини билардим-да. Шундай бўлгач, улар олқишини олиш осонми?

Жуда хурсандман, ўзбек халқи менинг чиқишларимни ҳам алоҳида эътибор билан кутиб олди. Улар қайси миллат ёки элатникилигидан қатъи назар, ҳар қандай санъатни чексиз қадрлар экан. Ўзи аслида санъат башарият мулкидир.

**Али ал-ШАРИФ, Миср:**

— Мен ўтган галги тантаналарда ҳам қатнашганман. Регистон майдони ва унинг атрофи ободонлаштирилиб, янада чирой очибди. Шаҳарнинг бошқа жойлари ҳам обод бўлибди. Бу Самарқандни санъат байрамига ҳозирлик кўрганидан далолатдир. Етти иқлимга машҳур қадимий иморатлар қаршисида қадимий куйни тинглаш киши руҳиятига ўзгача таъсир этади. Мақсадимиз ўз миллий мусиқамизни ижро этиб, фестивалдан соврин билан қайтиш.



**Жоржио АЛБИАНИ, Италия:**

— Ўзбекистонга келиб биз халқингизнинг санъатга иштиёқи жуда юқорилигига амин бўлдик. Айниқса, санъаткорларингизнинг чиқишларидан кейин ўзбек мусиқасига бўлган қизиқишимиз янада ошди.

Ўйлайманки, бу фестивалнинг ўтказилиши миллатлараро муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Даза ДИ, Нигерия:**

— «Шарқ тароналари» фестивали мусулмон, насроний, яҳудий ва бошқа дин вакилларини Ўзбекистонга йиғди. Энг асосийси, уларнинг ҳаммаси қандайдир сиёсий мақсадларни кўзлаб эмас, балки ўз санъатларини дунёга намойиш қилиш учун йиғилишди. Баъзи мамлакатлар бор маблағини сиёсий ўйинларни уюштириш ёки ядро салоҳиятини юксалтириш учун сарф қилади. «Шарқ тароналари» фестивали ташкилотчилари эса эзгу мақсад, яъни одамларга хурсандчилик улашиш учун анча куч ва маблағ сарфладилар. Бу эса таҳсинга сазовор.

Ватанингизга келиб, ўзбек халқи билан танишдим. Дили очиқ меҳмондўст халқ экан. Чет давлатлардан келган меҳмонларга бунчалик эътибор берилишини биринчи марта кўришим.

Энг асосийси ўзбек мусиқаси билан танишдим. Миср, Туркия каби давлатлар санъатидан хабардорман. Сизларнинг мусиқангизнинг уларникидан фарқи шундаки, ўзбек миллий мусиқасини эшитган одам ўйга толади. Най, дуторлар оҳанги одам дилининг нозик торларини чертади.

Мен Ватанингизга келишдан олдин Ўзбекистон ҳақида турли миш-мишларни эшитдим. Баъзилар Ўзбекистонга бориш ҳаёт учун хавфли, деб айтишди. Шунда мен Нигерияда ҳам, ҳатто Германияда ҳам ҳаёт учун хавфли бўлган кўплаб омиллар борлигини, санъаткор бўлганим учун вазифам қувонч улашиш эканлигини айтганимда гуруҳим бир овоздан фестивалда қатнашиш истагини билдирди.

Энди кимдир мендан Ўзбекистон ҳақида сўраса, энг аввало эшитганингга эмас кўрганингга ишон, деб айтаман.

**Шамсиддин МАСРУР, Афғонистон:**

— Охирги 20 йил ичида деярли барча қўшни давлатларни айланиб чиққанман. Бошқа қўшни мамлакатлардан кўра Ўзбекистонда ўзгаришлар анча катта.

Афғонистон ва Ўзбекистон халқлари орасидаги дўстлик ришталари узоқ тарихга эга. Афғон санъаткорларининг фестивалда қатнашиши эса бу алоқаларнинг янада кучайишига сабаб бўлади.

**Кейт ХОВАРД, Англия:**

— Мен бир неча ўзбек санъаткорлари ижоди билан танишман. Улардан мусиқашунос сифатида Муножат Йўлчиева ижодига қизиқаман. У Лондонда бир неча марта концерт бергани туфайли ўзбекларнинг мумтоз куй ва қўшиқларига менда катта қизиқиш уйғонган.

Ўзбекистонга келиб шашмақом ҳақида тушунчага эга бўлдим. Менимча, шашмақом кайфият, руҳ ҳолатини ўзига хос тарзда ифода эта оладиган мусиқадир.

Фестиваль менга дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган мусиқачилар билан танишиш ва фикр алмашиш имконини яратди. Баъзилар бундай имкониятни умри давомида кутади...

**Қизғин ўтаётган фестиваль ниҳоялаб бормоқда. Бугун кечки пайт фестиваль иштирокчилари яна Регистон майдонига жамулжам бўлишади. Ғолибларни аниқлаш, мукофотлаш ва якуний катта концерт дастури ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.**

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**Хуршид РАУПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

# XORIJDA

## ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА ФАОЛИЯТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Украинада прокуратура органлари ислоҳ этилиб, у ҳарбийликка алоқадорликдан бутунлай чиқарилади.

«Шу кундан эътиборан ислоҳотларни бошлаймиз, ҳарбий прокуратура фаолияти тугатилади. Эндиликда ҳарбийлар ишини кўриб чиқиш билан ҳарбий сир ва маҳфий ҳужжатлардан фойдаланишга ҳуқуқи бўлган махсус фуқаровий прокурорлар шуғулланишади. Давлат айбловчиси прокуратура ходими ҳисобланса-да, унвон ва моддий таъминотни — уй, маош, машинани ҳарбийлардан, яъни Мудофаа вазирлигидан олишини қандай тушуниш мумкин. Прокурорлар ҳарбий низом бўйича эмас, балки соғлом ақл билан фикр юритиши керак», деди мамлакат бош прокурори Святослав Пискун.

Унинг айтишича, яқин кунларда бош прокуратура ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ислоҳ қилиш ва Миллий тергов хизмати ташкил этиш лойиҳасини ҳукуматга хавола қилади. Бу хизмат ягона, «гегемон» бўлиб қолмаслиги лозим, унда Ички ишлар вазирлиги, Хавфсизлик хизмати ва Солиқ маъмурияти тергов бўлинмалари ҳам тенг иштирок этиши даркор. Бу ҳақда ИТАР-ТАСС маълум қилди.

## 30 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ТАШРИФ

Ҳиндистон бош вазири Манмохан Сингх якшанба куни Афғонистонга ташриф буюрди. Бу ташрифнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у 30 йиллик танаффусдан сўнг биринчи бор амалга оширилди. Экспертлар эндиликда икки давлат ўртасидаги алоқалар қайта тикланиб, янада ривожланишига умид боғламоқдалар.

2001 йили Афғонистонда толибонлар тузуми ағдарилгач, Ҳиндистон Афғонистонни тиклаш ишлари учун 500 миллиондан ортиқ самроя ажратган. Эндиликда яна 50 миллион доллар миқдорида кўмак беришни ваъда қилмоқда.

## МОЛИЯЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

Ушбу янги ўқув йилидан бошлаб Грузиянинг шаҳар ва туманларидаги барча мактабларни молиялаш бўйича янги тартиб ишлаб чиқилди.

Грузия Фан ва таълим вазирлигининг коммуникация департаменти бошлиғи Леван Гахеладзенинг «Новости-Грузия» ахборот агентлигига маълум қилишича, молиялашнинг янги дастурига кўра, жорий йил охиригача Таълим вазирлиги бюджетидан мактаблар учун 50 миллион лари (27 миллион АҚШ доллари атрофида) маблағ ажратилади ва бу маблағ Грузиянинг 650 миллионлик ўқувчисига нисбатан маълум миқдорда бўлиб чиқилади. Жумладан, шаҳарда таълим олувчи ҳар бир ўқувчи учун ўртача 200 лари (110 доллар) ҳисобида, қишлоқ мактабларидаги ҳар бир ўқувчи учун эса 300 лари (166 доллар) ва тоғли ҳудудлардаги ўқувчи учун 360 лари (200 доллар) ҳисобида маблағ тўғридан-тўғри мактаблар ҳисоб-рақамларига ўтказилади.

Бу пуллар мактаб эҳтиёжлари учун — ўқитувчиларнинг маоши, маиший хизматлар учун сарфланади.

## РЕКОРД ДАРАЖАГА ЕТДИ

Мексика ҳукумати 2006 йилда бўладиган президент сайловига 1,2 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди. Бу режани Федерал сайлов ташкилоти ҳам маъқуллади. Бироқ бу режа аҳоли томонидан қаттиқ танқид остига олинмоқда. Негаки, ушбу маблағ рекорд даражада кўп бўлиб, 2000 йил сайловларида мазкур иш учун сарфланган маблағ 760 миллион долларни ташкил этган холос.

## ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛАШМОҚДА, БИРОҚ...

Марказий ва Шарқий Европада кучли ёмғирлар ёғиши оқибатида юзага келган сув тошқинлари кўплаб одамларни саросимага солиб қўйди. Кўрилган зарарнинг деярли ҳисоб-китоби йўқ. Хайриятки, вақт ўтгани сайин вазият ўз меъёрига тушмоқда. Дарёлардаги сувнинг сатҳи камаймоқда.

Синоптикларнинг маълум қилишларича, яқин кунларда ёмғирлар тўхтайди.

Буюк Британиянинг Sky News телеканали тарқатган хабарларга қараганда, Австрия, Болгария, Германия, Швейцария ва Руминия аҳолиси уйларини ташлаб чиқиб, томларда ва бошқа хавфсиз жойларда жон сақлашаётган эди. Эндиликда улар ўз уйларига қайтмоқдалар. Бироқ уларнинг уй-жойлари тошқиндан сўнг хароба ҳолига келган. Уйларни қайта тиклаш учун бир неча ой вақт керак. Бундан ташқари миллион-миллион долларлик маблағ талаб этилади.

Шуни таъкидлаш керакки, айрим ҳудудларда вазият оғирлигича қолмоқда. Масалан, Швейцарияда аҳолини қутқариш ишлари давом этмоқда. Куни кеча Бернда 250 киши хавфсиз жойга кўчирилди, Бриенц шаҳарчаси аҳолиси эса жума куни ўз уйларини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлдилар.



Яна қурбонлар берилгани ҳақида Руминия маъмурияти хабар қилди. Жумладан, жумага ўтар кечаси бирдан уйларни сув босиши оқибатида 7 киши ҳаётдан кўз юмган.

Шундай қилиб кейинги кунларда юз берган сув тошқинлари 43 кишининг умрига зомин бўлди. Айниқса, Руминия катта зарар кўрди. Умумий ҳисобда 31 киши нобуд бўлди, минглаб уйлар вайронага айланди. Австрия, Болгария, Германия ва Швейцарияда талафотлар нисбатан камроқ бўлди: 12 киши қурбон бўлди. Бироқ кўплаб одамлар дом-дараксиз йўқолган.

Худди шундай табиий офат Америкага ҳам чанг солмоқда. CNN хабарига кўра, «Катрин» дея номланган кучли довул кеча Луизиана ва Алабама штатларига ёпирилди. Шамолнинг тезлиги соатига 280 километрга етди. Экспертлар Янги Орлеанга 7-10 метр баландликда довул ёпирилиши мумкинлигини аввалдан айтишгани боис мазкур шаҳарнинг 500 мингдан ортиқ аҳолиси якшанба куни яшаш жойларини ташлаб чиқиб кетди. Мутахассисларнинг айтишларича, шаҳарнинг 60-80 фоиз қурилиш иншоотлари вайрон бўлиши мумкин.

Ҳозир уч штатда фавқулодда ҳолат жорий этилган. Мексика қўлтиғидан 21 та нефть минораси хавфсиз жойга кўчирилди. Бу ердаги конларда ишнинг тўхтаб қолиши нефть баҳосига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Кеча бир баррел нефтнинг баҳоси 4,5 долларга қимматлаб, 70 доллардан ортиб кетди.

Мазкур довул Багамск оролларида пайдо бўлди ва пайшанба куни Флоридага ёпирилди. Унинг кучи Саффир Симпсон шкаласи бўйича энг юқори 5 балли кўрсаткичга тенг бўлиб, АҚШ ўз тарихида бундай кучли довулларнинг учтасини бошидан ўтказган.

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

ХАЛҚ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

барчангизни республикамиз
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ
билан самимий муборакбод этади.

БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН

**«ФАРОВОН»**, **«МАРЖОН»** ва **«ИСТИҚЛОЛ»** омонат турларини таклиф этади.

**«ФАРОВОН»** — қисқа муддатли,
сақлаш муддати 3 ой, даромад миқдори йиллик 35% ҳисобида, бошланғич бадал 100 000 сўм.

**«МАРЖОН»** — қисқа муддатли,
сақлаш муддати 6 ой, даромад миқдори йиллик 32% ҳисобида, бошланғич бадал 50 000 сўм.

**«ИСТИҚЛОЛ»** — қисқа муддатли, ютуқли,
сақлаш муддати 3 ой, бошланғич бадал 10 000 сўм. Ютуқлар тиражи 2005 йилнинг сентябрь ойида Урганч шаҳрида ўтказилади, энг катта пуллик ютуқ миқдори 1 000 000 сўм.

**Омонатларга пул маблағлари Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.**

**Сиз, азиз юртдошларимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик, оилавий бахт ва Истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизга куч-қувват тилайди.**

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!



**31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни**

# САРОБГА АЙЛАНГАН ЙИЛЛАР

## ЁХУД МАРҲУМ БИОХИМИК ОЛИМ РАҲИМ РАҲМОНОВНИНГ ҲАЁТИ ВА АЧЧИҚ ҚИСМАТИ ҲАҚИДА



Ўтган асрнинг 20-йиллари охири 30-йилларнинг ўрталари ҳамда 40 — 50-йилларнинг бошларида репрессия тўлқинлари собиқ иттифоқнинг бошқа ўлкаларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жуда кўплаб бегуноҳ кишиларнинг ҳаётини фожиага айлантирган эди. Қатағонга учраган машҳур ўзбек олимларидан Сулаймон Азимов, Сотти Ҳусайн, Шокир Сулаймон, Тўхтасин Жалолов, Шароф Обидов, Нурулла Отауллаевлар қаторида ЎзРФА Ботаника институти директори, биохимик олим Раҳим Раҳмонов ҳам бор эди.

Раҳим Раҳмонов 1910 йилда Фарғона шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топди. Тақдир уни болалигиданоқ турли синовлар, айриликларга дучор қилди. 10 ёшида отасидан ажралиб, шу ердаги болалар уйига топширилади. 1924 йили у Тошкентдаги Ўзбек билим юртига ўқишга кириб, 1928 йилда бу ерни тамомлайди. Илмга бўлган чексиз иштиёқ уни Самарқанддаги Ўзбекистон давлат педагогика академиясига етаклади. Раҳим Раҳмонов академияда ўқиш билан бирга амалий педагогик фаолият билан ҳам шуғулланади. 1929-1930 йилларда Самарқанддаги ер ишлари бўйича билим юртида, 1931-1932 йилларда зооветеринария институтида, 1932-1934 йилларда Қўқондаги пахтачилик институтида, 1934-1935 йилларда Фарғона педагогика институтида биохимиядан дарс беради.

Шундан сўнг бўлажак олим 1936 йилда Санкт-Петербургдаги қишлоқ хўжалик академиясига қарашли ўсимликшунослик институти аспирантурасига ўқишга киради. Уни муваффақиятли тугаллагач, илмий иш билан шуғулланишга астойдил киришади. Ёш олим 1940 йилда биология фанининг муҳим қирраси бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. Сўнгра Ўзбекистонга қайтгач, у Ботаника илмий-текшириш институтига директор этиб тайинланади.

Раҳим Раҳмонов институт олимлари билан бирга Ўзбекистонда биохимия фанининг муҳим масалалари, хусусан пахтачилик, ўсимликлар генетикаси муаммолари устида тадқиқотлар ўтказишга киришади. Олим 20-йилларда Германияда ўқиб, 1930 йилларда қатағон бўлган бегуноҳ ватандошлари — Абдуваҳоб Муродий, Солиҳ Муҳаммад, Рауф Расулийлар бошлаган амалий ва назарий ишларни давом эттириш, айниқса, бу йўлда эришилган ютуқларни Ўзбекистонда йўлга қўйиш мақсадида катта умидлар билан иш бошлайди.

Афсуски, унинг барча режалари орзулигича қолиб кетади. 40-йилларнинг бошларида авж олган репрессиянинг даҳшатли тўлқини биохимия ва генетика соҳалари бўйича ишлаётган собиқ иттифоқдаги машҳур олимлар, жумладан, Раҳим Раҳмоновни ҳам ўз қаърига торта бошлади. Натижада у 1941 йил 27 сентябрда ўша вақтда Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари бўлиб ишлаётган Аман Кабулов буйруғи билан ҳибсга олинади. Олимга «Ўзбекистонда совет ҳукуматини ағдариб, уни СССРдан ажратиб олиш ва унинг ўрнига буржуа демократик давлатини қуришни мақсад қилиб қўйган советларга қарши руҳдаги миллатчилик ташкилотининг фаол аъзоси», деган сохта айб қўйилади. Ва шу тўқилган туҳмат асосида 28 сентябрда зудлик билан қамоққа олинади. *(Архив КГБ Узбекской ССР, № П 19001 4-х томах, том I стр. 181).*

Ўша куниёқ Тошкентдаги қамоқхонада маҳбуснинг таржимаи ҳоли ва оила аъзолари, қариндош-уруғлари ҳақида махсус варақа тўлдирилади. Унда Раҳим Раҳмоновнинг Фарғонада туғилганлиги, биохимик олимлиги, Ботаника институтининг директори бўлиб ишлаётганлиги, онасининг исми Баҳринисо Каримқулова бўлиб, 56 ёшда эканлиги ва Фарғонада яшаши, рафиқаси Наталья Тимофеевна Раҳмонова асли санкт-петербурглик бўлиб, 1910 йилда таваллуд топгани ҳамда ўғли Владимир Раҳмоновнинг 1937 йилда туғилганлиги, бошқа қариндошларининг исми шарифлари, туғилган йиллари қайд қилинади.

Ёвузлиги билан донғи кетган Ақжигитов ва Сухолозов каби терговчилар қамоқда Р.Раҳмоновдан ўзига қўйилган айблар бўйича кўрсатма беришни талаб қилади. У айбларнинг мутлақо асоссизлиги, аслида уйдирма эканлигини айтиб, рад жавобини беради. Бундан ғазабга келган терговчилар уни калтаклаб, қийнаб азоб бера бошлайдилар. Бир неча кун ўтгач, бемисл азоблардан батамом ҳолдан тойган маҳбус оғир қийноқлар остида кўрсатма баённомасига мажбуран қўл қўяди. 1941 йилнинг 1 октябрида А.Кабулов, Ақжигитов, Сухолозовлар олиб борган тергов баённомасида бу тазйиқ ва қийноқларнинг таъсири очиқ сезилади:

**Савол:** «Қамалганингизнинг биринчи кунидаги сўроқда сиз ўзингизнинг советларга қарши бўлган миллатчилик фаолиятингиз ҳақида гапиришга хоҳиш билдирган эдингиз. Сиз ўшанда конкрет нималарни айтмоқчи эдингиз?»

**Жавоб:** «Бундан бир ярим ойча аввал Ўзбекистон ички ишлар органлари томонидан Ўзфан комитетининг илмий ходимларидан бўлган Нурулла Отауллаев, Шариф Обидов, Шокир Сулаймон каби маслакдош дўстлар қамоққа олинган эдилар. Шундан сўнг мен ҳам ўзимнинг қамалиш кунимни кутиб турдим. Чунки, мен ҳам НКВД органлари томонидан фош этилган Обидов, Сулаймонов, Отауллаев каби инқилобга қарши бўлганлар билан бирга иштирокчи бўлганим учун мени ҳам революцияга қарши киши сифатида фош этилишимни билдирар эди» *(Мазкур архив, 208-бет).*

Бу жавоблар етарли бўлмаган шекилли, улар маҳбусни яна бир йил қамоқхонанинг зах ва қоронғи ертўлаларида сақлайдилар, кечаю-кундуз тинимсиз тергов қилиб, янги-янги туҳматлар билан айблайдилар. Охир-оқибат 1942 йил 8 август куни бўлиб ўтган собиқ СССР ички ишлар халқ комиссари қошидаги мажлиснинг махсус қарори асосида ноҳақ равишда «советларга қарши миллатчилик ташкилотининг фаол аъзоси бўлган», деган айб билан 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилади.

У қамоқнинг дастлабки йилларида (1942 йилдан то 1944 йилгача) Карлаг қишлоқ хўжалиги тажриба станциясида, сўнг 1944-1949 йилларда Олмаота вилояти қишлоқ хўжалиги лагерининг 5-бўлимида сабзавотчилик бўйича агроном бўлиб ишлайди. 1950 йил 1 октябрда Калимага жўнатилиб, у ерда 1952 йил 30 апрелгача агроном бўлиб ишлайди.

Раҳим Раҳмонов бу ерда сабзавотчиликдан юқори ҳосил олиш бўйича тажрибалар ўтказади. Унинг фидокорона ҳалол меҳнатига лагер раҳбарлари ҳам ижобий баҳо беради. Бироқ қамоқ муддати тугаб, расман озод бўлсада, асоссиз равишда Ўзбекистонга қайтишига рухсат берилмайди ва у яна бир неча йил шу ерларда қолишга мажбур бўлади.

Ҳибсда бўлган йиллари у ўзининг ноҳақ қамалганлиги, шунга қарамасдан қамоқ-меҳнат лагерларида ҳалол ишлаб келаётганлиги ва муддат тугаганига анча йил бўлсада, асоссиз ушлаб турилганлиги, унинг устидаги туҳмат-айбномани қайта кўриб, тамоман оқланиши ҳамда юртига қайтишига ёрдам беришларини сўраб бир неча жойларга мурожаат қилади. Жумладан, 1952 йил 20 июлда собиқ СССР Олий Совети раиси Шверник номига (мазкур ҳужжат, 2-жилд, 373-бет), 1953 йил 10 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг биринчи котиби Н.Хрушчевга (мазкур ҳужжат, 4-жилд, 6-7 бет), 1954 йил 5 октябрда СССР Олий Советининг раиси К.Ворошиловга (мазкур жилд, 30-бет) ариза ёзади. Лекин уларнинг кўпчилигига рад жавоби берилади. Шунга қарамасдан у ариза ёзишда давом этаверади. Ва охир-оқибат 1956 йил 27 сентябрда у бегуноҳ, деб расмий равишда оқланади. Лекин Раҳим Раҳмонов узоқ вақт тергов жараёнида кечирган азоблари, терговчиларнинг ўтказган зуғуми, сургунда кечирган оғир қийноқлари ҳақида юқори идораларга очиқ ёзолмайди. 1956 йил 13 апрелда Ўзбекистон Министрлар Совети қошидаги тергов бўлими бошлиғи ўринбосари уни гувоҳ тариқасида чақириб, ўша йиллардаги сўроқларда берган жавобларини сўрагандагина бор ҳақиқатни баён этади:

**Савол:** «Сиз 1941-1942 йиллардаги терговда қандай кўрсатмалар берган эдингиз?»

**Жавоб:** «1941 йил 27 сентябрь куни соат 11 ларда Ўзфан комитетининг Ботаника институтидаги ишлаб турган жойимга граждан формасидаги учта нотаниш шахс кириб келишди. Улар ўзларини Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссарлиги ходимлари эканлигини, мени қамоққа олишга келганликларини айтишиб, бу ҳақдаги ордерни кўрсатишди. Мен шу тарзда қамоққа олиндим. Кейинчалик маълум бўлишича, улар НКВД ходимларидан Ақжигитов, Сухолозовлар (учинчисини ҳозир эслолмайман) экан.

Улар ишлаб турган хонамда тинтув қилдилар, лекин бирор нарса топишолмади. Сўнг ички ишлар халқ комиссарлигига келдик. Мени Ақжигитовнинг хонасига олиб киришиб, ўзингизнинг инқилобга қарши бўлган миллатчилик фаолиятингиз ҳақида гапириб беринг, дейишди. Мен уларга «ҳеч қачон ва ҳеч қаерда советларга қарши бўлган миллатчилик ишларида бўлмаганман, шунинг учун менинг бу ҳақда айтадиган гапим йўқ», дедим. Бу жавобимдан сўнг Ақжигитов, Сухолозов ва уларнинг шериги менга қараб: «Сен модомики бизнинг қўлимизга тушдингми, энди ҳамма нарсани эсдан чиқар, сенинг ҳокимиятинг ҳам, конституциянг ҳам ҳаммаси бизнинг қўлимизда, нимани хоҳласак шуни қиламиз», деб ўшқирди. Шундай таҳқир-дашномларига қарамай, мен ўз фикримда қатъий туравердим ва ҳеч қачон, ҳеч қандай жиноий иш қилмаганлигим, шунинг учун бу ҳақда ҳеч нарса айта олмаслигимни айтдим...

Шундай қилиб, биринчи қамоқ кунларидан бошлаб, терговлар уйқусиз ва дам берилмай кечаю-кундуз олиб борилди. Сухолозов хонасида туну кун ўтиришга мажбур қилишди. Иш шу даражага бордики, Ақжигитов ва Сухолозов тергов пайтида менга қайта-қайта агар тирик қолишни, соғ-омон бўлишни истасам уларнинг ҳамма саволларига фақат ижобий жавоб қилишим, йўқса улар мени авахта ичида йўқ қилишларини, бу ҳақда эса ҳеч ким, ҳеч нарса билмаслигини айтишди. Мени шундай қийнаб, калтаклаб, ҳақоратлаб тергов қилганда ҳам 7-8 кунгача чидаб, ҳеч қандай кўрсатма бермадим. Бироқ кейин шундай қийноқларга солдики, мен уларга бардош бера олмадим ва шунинг учун терговга ўзимнинг инқилобга қарши миллатчилик фаолиятим ҳақида тўқилган ёлғон кўрсатмани бера бошладим...»

Тергов давомида Раҳим Раҳмонов қаттол терговчиларнинг бундан-да ёмон қийноқларини бошдан кечиради. Бугина эмас, у узоқ сургунда Қозоғистон чўлларида, олис Магадан, Калиманинг қаҳратон совуқларида она-ватани Ўзбекистондан, қариндош-уруғларидан, меҳрибон онаизоридан ажраб не-не қийинчиликларни кўрмади дейсиз? Рафиқаси Наталья Раҳмоновадаги вафо-садоқат, муҳаббат туйғулари уни ҳамиша ҳаётга ишонч билан яшашга ундади. Улар умрларининг охиригача бирга яшашди. Афсуски, тақдир уларнинг ўғлини кўп кўрди. Олим қолган умрини фанга бағишлади. Севимли касби — биохимия бўйича қолиб кетган режаларини давом эттирди. Бир неча шаҳарларда бўлиб, етук олимларнинг сўнгги йиллардаги амалий ва назарий тажрибаларини ўрганиб қайтди.

Раҳим Раҳмонов узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Ўсимликлар экспериментал биологияси институтида катта илмий ходим, бўлим бошлиғи, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифаларида ишлади. Олимнинг «Витаминларнинг биологик аҳамияти», «Қаҳрабо кислотасининг ўсимликларга қўлланилиши», «Микроэлементлар — қишлоқ хўжалигида», «Қаҳрабо кислотаси ва ҳосил» сингари қатор асарлари фанда асосий манба сифатида фойдаланилмоқда. Шогирдлари орасида таниқли академик Абдумавлон Абдуллаев, фан номзодлари ва илмий ходимлардан Ўткир Жўраев, Муҳаббат Ғаниева, Раъно Раҳмонова, Н.Губанова ва бошқалар бугунги кунда ҳам республикамиз илм-фани ривожига ҳиссаларини қўшиб, устозлари ишини давом эттирмоқда.

Раҳим Раҳмонов фандаги хизматлари учун Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Энг муҳими, у бир умр орзу қилган мамлакатимиз мустақиллигини кўрди, юртимизда эсган ҳуррият шабадалари кўпчилик қатори унинг ҳам орзуларини рўёбга чиқарди.

**Шерали ТУРДИЕВ**




# ПОЙГА

**(Достондан парча)**

*«Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди».*

**Ислом КАРИМОВ**



*Илк пойгага берилди старт —*
*Уч ярим минг километр йўл!*
*Уни албат босиб ўтмоқ шарт,*
*Олдинда бор саҳро, денгиз, кўл.*

*Илк пойгага берилди старт —*
*Юрар бўлган масофа аниқ.*
*Йўлга чиқди бешта мағрур, мард,*
*Бешта ўғлон, беш қалби ёниқ.*

*Ҳа, Ҳидоят Иноятов[1] шўх,*
*Абдураҳим, Мухтор ҳам чаққон.*
*Абдулваҳоб жисми аро чўғ,*
*Нодирбекнинг ҳар сўзида жон.*

*Йўллар. Йўллар. Хаёлдан узун,*
*Ҳар соатда юз берур тўсиқ.*
*Тин оларлар фақат қаро тун,*
*Кундузларнинг арқони чўзиқ.*

*Кимсасиз чўл, тилсиз саҳролар,*
*Қуюн тупроқ ўйнаб сочади.*
*Бўронлар тобора қаҳр олар,*
*Оч бўрилар ҳуркиб қочади.*

*Олдинда кўринди тиканзор,*
*Дарахтга ўхшаган янтоқлар.*
*Кейин қумлоқ, юрмоқлик душвор,*
*Йўқолди бетайин сўқмоқлар.*

*Ортда қолди нотекис довон,*
*Кўм-кўк воҳа ташланди кўзга.*
*Мовий Орол экан бепоён!*
*Икки дарё ўзгача, ўзга!*

*Уч ой ўтди, айни муддатда,*
*Гуруҳ етиб келди паккага.*
*Шаҳри Тошкент шундоқ фурсатда,*
*Гуллар тақиб қўйди чаккага.*

## ЯНА ПОЙГА

*Минг тўққиз юз ўттиз еттинчи...*
*Яна пойга: интила, чопа...*
*То манзил сўнггига етгунча —*
*Етти минг километр масофа.*

*Гуруҳ елдай боради учиб,*
*Ҳидоятжон бошчи, командир.*
*Шаҳарлардан шаҳарга кўчиб,*
*Йўналиши Масков томондир.*

*Барчаси ҳам чопқир ва мерган,*
*Ҳаммаси ҳам бир жон, бир тандир.*
*Уларга куч, матонат берган —*
*Ўзбекистон — она-Ватандир!*

*Кремлнинг муздек шамоли,*
*Ҳидоятнинг кўксига тегди.*
*Сўнг паришон бўлиб хаёли.*
*Пичирлади, бошини эгди.*

*— Дўстлик, бирлик бўлсайди агар,*
*Тенг турсайди барча миллатлар?*
*Ҳукм сурса Ҳақ иш баробар,*
*Қуриб кетар эди иллатлар.*

*Ҳар ким ўзин сўзини айтса,*
*Фақат таниб ёлғиз Худони.*
*Ўз тилида тақдирин битса.*
*Асраб қолар эдик дунёни!?*

## ИЛК БОР

*Азим Тошкент. Одам тўла зал,*
*Бир оқсоқол сўзни бошлади.*
*Қутлов, табрик бўлгач галма-гал,*
*Яна ўзи кўзни ёшлади.*

*— Биз қаридик. Юртим деб ёндик,*
*Жангоҳларда қолди қонимиз.*
*Замон ўтди, энди уйғондик,*
*Лек, бўлмади бутун нонимиз.*

*Бизни билар кимсалар борми,*
*Изимиздан келар авлод ким?*
*Ватан бағри шунчалар торми,*
*Миллий спорт саҳни нега жим?*

*Энди, мана, ёш Иноятов*
*Эгаллаган марраси қутлуғ!*
*Ғолиб бўлиб, бизни шод этиб,*
*Жаҳон бўйлаб солди зўр довруғ!*

*Элга қараб айтар гапим шул:*
*— Пўлат каби тобланиш керак!*
*Ўзбекистон, чемпион ўғил,*
*Бугун сенга бўлсин муборак!*

## ҲУМОҚУШ

*Кетмас бўлиб учиб келган Ҳумоқуш,*
*Тўлиб-тошиб кўчиб келган Ҳумоқуш.*
*Бахт-иқболни елкасига қўндириб,*
*Ўзбек элин қучиб келган Ҳумоқуш!*

*Сўлмас бўлиб орзу гули очилди,*
*Келажакка миллат йўли очилди.*
*Ал-Бухорий, Нақшбанднинг руҳи шод,*
*Дуоларга пирлар қўли очилди.*

*Шоҳсупага старт олди Ўзбегим,*
*Боқийликка зўр йўл солди Ўзбегим.*
*Спорт — тинчлик элчиси деб шайландик,*
*Ўша Элчи бўлиб қолди Ўзбегим.*

*Яшил майдон, теннис кортлар қурилди,*
*Чап юрганлар ўнг томонга бурилди.*
*Тобланмаган, чиниқмаган савлатлар,*
*Қанча тўсиқ қанча ғовлар сурилди.*

*Теннисчилар, футболчилар етишди,*
*Боксчилар олишувда хўп пишди.*
*Миллий байроқ ҳилпиради бошларда,*
*Паҳлавонлар рақибига ёпишди.*

*Гимнастика, қиличбозлик, баскетбол,*
*Мерганликка топиб олдик катта йўл.*
*Сувда сузиш, чимда хоккей, югуриш,*
*Шоҳмот-шашка ҳам биллиард ўйнар қўл.*

*Тош кўтарсин Турсунали полвонлар,*
*Ҳайқириққа тўлиб кетсин майдонлар.*
*Миржалоллар «Пахтакор»ни гуллатсин,*
*Томошага келсин жумла-жаҳонлар.*

*Иродалар хўп ўйнасин берилиб,*
*Абдуллалар сафи ортсин терилиб.*
*Муҳаммадқодирлар оламни олсин,*
*Оталар, оналар юрсин керилиб!*

*Кириб келдинг юртимизга Ҳумоқуш,*
*Қанот боғлаб фахримизга Ҳумоқуш.*
*Сен — жасорат, Сен — матонат, Садоқат,*
*Бағрингни бос бағримизга Ҳумоқуш!!*

**Тўлан НИЗОМ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

[1]Ҳидоят Иноятов ўтган асрнинг 30-йилларида шаклланган спортчилар вакили бўлиб, ўт-оловлиги, ғайрат-шижоати билан велосипед спорти бўйича чемпион бўлган эди.

У 1938 йилнинг бошларида қатағонга учраб, ўша йил октябрь ойида кўплаб ватандошлари билан бирга Тошкентда отиб ташланган.

**Спорт**

## 17-ТУР ЎЙИНЛАРИ...

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасидаги учрашувлар турдан турга қизиб бормоқда. Негаки, ҳадемай «ғалвир сувдан кўтарилади». Шу боисдан ҳам 17-тур ўйинлари янада қизғин ва муросасиз кечди. Турнинг асосий учрашувларидан бири Тошкентда бўлиб ўтди. «Пахтакор» ўз майдонида Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасини қабул қилди. Пахтакорчиларнинг тўлиқ устунлигида ўтган мазкур учрашув 2:0 ҳисобида якунланди. Қимматли уч очкони қўлга киритган тошкентликлар турнир жадвалидаги мавқеларини янада мустаҳкамлади.

Чемпионат ғолиблигига даъвогарлардан бири — «Насаф» эса сафардан «қуруқ» қайтди. Бу гал омад «Тўпаланг» футболчиларига кулиб боқди. Сариосиёликлар ўз майдонларида пешқадам «Насаф» жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этди. Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Навбаҳор» — «Металлург» 1:0, «Бухоро» — «Локомотив» 4:3, «Шўртан» — «Сўғдиёна» 2:0, «Трактор» — «Машъал» 3:5, «Самарқанд-Д» — «Қизилқум» жамоалари ўртасидаги учрашув кейинроқ ўтказиладиган бўлди.



**Биз билган ва билмаган тарих**

# БОБУРНИНГ ДИПЛОМАТИК МАҲОРАТИ

Юқоридаги мунозаралар, дипломатик музокаралар Бобур тили билан айтганда сулҳгуна» билан тугаган. Ҳарбий санъатни яхши эгаллаган лашкарбоши сифатида у муҳорабалар жараёнида анчагина сулҳларга эришган ва улар ўзининг аҳамиятига кўра бир-биридан фарқ қилган. Бобур асосан масалани ўз фойдасига ҳал этган бўлсада, айрим пайтлари ноиложликдан сулҳга рози бўлган. Бироқ, кучлар тенг бўлмаган пайтда сулҳга эришиш ҳам Бобурнинг дипломатик маҳоратини кўрсатади.

«Бобурнома» манбаларида келтирилганидек, ўша замонларда қарама-қаршиликлар тақдирини асосан каттаю-кичик дипломатик музокаралар ҳал этган. Уларнинг шакли эса турлича бўлиб, ўқувчи бирданига шу ҳақда фикр бораётганлигини илғаши мушкул. Масалан, темурийзодалар ўртасидаги оддий учрашув натижаси, биронбир элчининг ташрифи, муҳораба режасини тузишда олиб борилган суҳбатлар, бошқа юртларга ёрлиқ, мактублар жўнатиш, мукотибалар — бугунги кун тили билан айтганда, ноталар юбориш ва бошқаларни биз Бобурнинг дипломатик муносабатлари сирасига киритдик. Санаб ўтилган жиҳатлар эса Бобурнинг давлатчилик сиёсатига ҳам мисол бўла олади.

Мана бу ўзига хос дипломатик муносабатни шунчаки Бобур ва унинг тоғаси Али Дўст орасида бўлган келишув дея баҳолаш мумкин. Аслида у том маънода дипломатик ташриф ва музокаранинг ўша даврга хос кўринишидир.

1498 йил. Бу пайтда Бобур 15 ёшда бўлиб, давлат бошқаруви қўлдан кетган, Хўжанд атрофида ночор юрган пайтлари. У бир амаллаб Марғилон қўрғонига етиб келади. Шаҳар дарвозасида Бобурнинг туғишган тоғаси Али Дўст турган бўлса ҳам, у бошқа темурийзода манфаати боис Бобурни шаҳарга қўймайди. Шунда ҳам Бобур ўзининг жасорати, аниқ далиллари, мантиқ кучи билан тоғасининг қайсарлиги устидан ғолиб келади: *«Сўзни мунга қўюб таваккул қилиб тебрадук. Суннат вақти эдиким, Марғинон қўрғонининг эшигига келдим. Али Дўст тағойи дарвозанинг орқасида туруб, дарвозани очмай, аҳд илтимос қилди.* ***Аҳд ва шарт қилғондин сўнг дарвозани очиб, дарвоза орасида мулозамат қилди.*** *Али Дўстни кўргандин сўнг, қўрғон ичида бир муносиб ҳовлида тушилди».*

— — — — — —

*(Давоми. Боши ўтган сонларда.)*

Маълумки, музокарага эришиш дипломатик муносабатларнинг асосини ташкил этади. Албатта, бу жараён ўзига хос шароит, муҳит ва макон билан бевосита боғлиқ. Қуйидаги мисолда ўзаро муносабатларни ҳал этишда «яраш сўзи», «бу йўсунлуқ сулҳ» иборалари ишлатилган. Бу воқеалар Бобурнинг анча ёшлик пайтида кечганлиги боис (у 16-17 ёшда эди), ҳали дипломатик муносабатларда тажрибаси йўқлиги, шунинг учун орада бўлган катта ёшдагиларнинг фикрига қўшилганлигини очиқ баён этган. Лекин Бобур ушбу сулҳни амалга оширмас экан, унинг ёмон оқибатларига кўзи етган.

Аслида, бу дипломатик мунозара ва муҳокама натижасига кўра, ҳар иккала томоннинг тасарруфида бўлган ерларни белгилаб олиш, ҳар бир шаҳзоданинг таъсир доирасини аниқлаш имконини берганки, буни бемалол ўша пайтдаги дипломатик музокара намунаси сифатида баҳолаш мумкин. Чунки унинг асосида гап фақатгина Пишхорон қўрғони ҳақида бормасдан, бир неча темурий шаҳзодаларнинг ер-мулки, мулкий ҳудудларни белгиловчи ҳужжатлар расмийлаштирилганини кўрамиз.

*«Уч-тўрт кундин сўнг бизинг мухолиф бекларким, Али Дўст ва Қанбар Али саллоҳ тавобиъ ва лавоҳийи била бўлғайлар,* ***яраш сўзини орага сола кириштилар.*** *Менинг ва менинг давлатхоналаримизнинг бу ярашдин асло илм ва хабарлари йўқ эди ва бизлар бу суратқа асло ризо бермас эрдук. Чун икки улуғ бек бу икки мардак эди, агар буларнинг сўзига қулоқ солмай сулҳ бўлмаса, ўзга эҳтимоллари ҳам бор эди. Зарурат бўлди, бу йўсунлуқ сулҳ бўлдиким, Хўжанд сувининг Ахси тарафи вилоятлар Жаҳонгир мирзога тааллуқли бўлғай, Андижон тарафи вилоятлар манга таалуқли бўлғай».*

1503-1504 йиллар воқеалари. Бобур ҳамон Мовароуннаҳрда бир неча шаҳзодалар, беклар билан тож-тахт талашиб, уларни инсофга чақириб, Шайбонийхонга қарши биргаликда кураш олиб боришга ҳаракат қилаётган пайтлар. Амударёни кечиб Хуросон ерлари, айниқса Кобулга қараб интилаётган Бобур у ерда мустаҳкам давлат тузиш, кейин куч тўплаб яна Мовароуннаҳрга келишни орзу қилиб, Коҳмард ва Ажар деган жойларга етиб келади.

«Бобурнома»даги манбалар шундан далолат берадики, Бобурнинг Амир Темур салтанати яхлитлигини асраш мақсадини барбод этувчи, ўзларининг шаҳзодалари манфаатини салтанат шаънидан устун билган бек ва сардорлар имкон қадар уни бошқа шаҳзодалар билан ёмон муносабатда бўлиши тарафдори эдилар. Ана шундай кишилардан бири Бобур даврида анча қудратли, Султон Маҳмуд мирзонинг энг катта бекларидан бири Хисравшоҳнинг иниси Боқи Чағониёний бўлган. Бу шахс кўп марта Бобур номидан дипломатик музокараларга қатнашган, элчи вазифасини бажарган, аммо пировардида унга хиёнат этган, одамларни Бобурга қарши қаратишга ҳаракат қилган. Бобур эса юксак дипломат сифатида сабр билан Боқи Чағониёнийнинг ҳаракатларини кузатган, охирида унинг ўн икки гуноҳу хиёнатини далил келтириб, бу бекни ўз қаламравидан чиқариб юборган.

Боқи Чағониёний икки темурийзода — Бобур ва Жаҳонгирни бир-бирига қарама-қарши қўйиш учун бор кучини сарфлайди. У бу шаҳзодаларнинг ҳам ҳарбий, ҳам маънавий кучларининг бир жойда бирлашишидан ҳадиксираб, уларни айириш пайига тушади ва бунга муваффақ ҳам бўлади.

Агар «Бобурнома»даги тарихий далилларга диққат билан назар ташласак, айнан шу пайтда — Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро барча темурийзодаларни бирлашишга жазм қилаётганда *(«Ушбу фурсатлар Султон Ҳусайн мирзодин Бадиъуззамон мирзоға ва манга ва Хисравшоҳқа ва Зуннунға бир мазмун била узун-узоқ нишонлар келди»)* Бобурнинг ғанимлари томонидан ўтказилган қабиҳлик темурийзодаларнинг бирлашишига монелик қилган, охироқибат Шайбонийхондек душман Хуросон салтанати устидан ғолиб келган.

*(Давоми бор.)*

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**





ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ИСТИҚЛОЛНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ АЙЁМИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ! ҲАР БИР ОИЛАГА ТИНЧЛИК-ОМОНЛИК, СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙДИ.**

**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!**

**Жиззах вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоси ўтказилишини**
**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

2006 йилда Жиззах вилоятида янги қуриладиган ва капитал қайта таъмирланадиган мактаблар

| № | Объект номи | Бошланғич қурилиш қиймати (млн. сўм) |
|---|---|---|
| | **Янги қурилиш:** | |
| ЛОТ 8 | Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Х.Носиров номли АХМдаги 630 ўринли 11-сонли мактаб | 1 165,413 |
| ЛОТ 9 | Жиззах вилояти, Бахмал тумани «Калтатой» хўжалигидаги 315 ўринли 3-сонли мактаб | 544,672 |
| | **Капитал қайта таъмирлаш: ЛОТ 10:** | |
| ЛОТ 10-1 | Бахмал тумани, Нурлиқуёш қишлоғидаги 340 ўринли 6-сонли мактаб | 255,512 |
| ЛОТ 10-2 | Фориш тумани, Юқори Учма қишлоғидаги 160 ўринли 28-сонли мактаб | 146,336 |
| ЛОТ 10-3 | Фориш тумани, Сафарота қишлоғидаги 160 ўринли 17-сонли мактаб | 161,605 |

**Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 1.08.2006 йил.**
**Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.**
**Телефонлар: (8372) 222-31-59, 222-30-11.**

*Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.*

*Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:*

**Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.**
**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.**

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.*



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Latif G`ULOMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)



MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq — 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 755
6558 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 22.45
Topshirish vaqti — 24.00
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda